

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ш.Каримов, О.Ахмаджонова

Бессель оператори қатнашган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлари ҳақида 6

Н.Икрамова, Э.Турсунова

Тўртингчи тартибли тўла дифференциалли оддий дифференциал тенгламаларнинг бир синфи ҳақида .I. 12

М.Жалилов, Г.Каюмова

Капута оператори қатнашган тўртингчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала тўғрисида..... 18

КИМЁ

А.Ибрагимов, В.Хўжаев, У.Умархонова, Д.Тожибоев, М.Исақов

Vigna sinensis, cicer orientinum, phaseloussayreus, arachhis hypogaea дуккакли ўсимликларни кимёвий таркибига кўра синфлаш масалалари 24

М.Қодирхонов, Т.Сайпиев, С.Рашидова

НА-карбоксиметилцеллюзоза эритмасининг юқори ҳарорат ва юқори тузли шароитдаги реологияси 30

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

П.Турдалиева, О.Ахмедова

Фаргона водийсининг доривор ўсимликлари – макро - ва микроэлементлар манбай 34

М.Шерматов, С.Умаров

Фаргона водийсида анжир парвонаси (Lepidoptera choreutidae) нинг тарқалиши ва ривожланиши..... 38

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.Адхамов

Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим: муаммолар ва самарадорлик 43

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Закирова

Ўзбекистон матбуоти ва унинг интернет-сайтларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик мавзусига ёндашув 46

А.Қамбаров, О.Махмудов

XIX аср охири – XX аср бошларида жадид ҳурфикарлигида эркинлик ғояси 52

Ш.Аббосова

Глобаллашув жараёнлари ва миссионерлик ҳаракати 57

М.Ғоипов

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари 62

Ж.Боқиев

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига вояга етмаганларнинг жавобгарлиги..... 69

ТАРИХ

И.Кузикулов

Фарғонада пахта навларини янгилаш билан боғлиқ масалалар ҳақида (XIX аср охири – XX аср бошлари) 73

Д.Абдуллаев

Хайрия ва ҳомийлик фаолияти: Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари ҳамкорлиги мисолида 77

ТАРИХ

УДК: 633.51+(23.046)

**ФАРГОНАДА ПАХТА НАВЛАРИНИ ЯНГИЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР
ҲАҚИДА**

(XIX аср охири – XX аср бошлари)

**О ВОПРОСАХ, СВЯЗАННЫХ С ОБНОВЛЕНИЕМ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА В
ФЕРГАНЕ**

(конец XIX века – начало XX века)

ON THE ISSUES OF RENEWING THE SORTS OF COTTON IN FERGHANA

(the end of the XIX and the beginning of the XX centuries)

И.Кузикулов

Аннотация

Мақолада XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Фарғонада Миср ва Америкадан келтирилган пахта навларини синоөдан ўтказиш ва маҳаллий шароитга мослашириш ҳақидаги маълумотлар этнографик материаллар асосида ёритилган.

Аннотация

В статье на основе этнографических материалов освещены сведения о проведении испытаний сортов хлопчатника в Фергане, привезённых из Египта и Америки и адаптации их к местным условиям начиная с 70-годов XIX века.

Annotation

In the article the information about the experiments of the sorts of cotton brought from Egypt and America to Fergana valley from the 70-x of the XIX century and adapting them to the local condition was described on the basis of ethnographic materials.

Таянч сўз ва иборалар: пахта майдонлари, Миср нави, Америка нави, Упланд, Кук, Кинг, Аунсбол, Гольд Штандарт, кўк чигит, кора чигит, малла чигит.

Ключевые слова и выражения: хлопковые площади, Египетский сорт, Американский сорт, Упланд, Кук, Кинг, Аунсбол, Гольд Штандарт, синие семена, чёрные семена, рыжие семена.

Keywords and expressions: cotton fields, Egyptian sort, American sort, Upland, Kuk, King, Aunsbol, Gold Shtandart, blue seeds, black seeds, yellow seeds.

Милоддан аввалги II–I минг йилларда Фарғона водийсида дехқончилик маданияти мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Кўргарт довонидаги “Соймалитош” расми, Далварзинтепа ва Чуст маданияти кабилар шундай маълумотлар қаторига киради.

Қадимда водийдаги дехқончилик маконлари кўлами жиҳатидан нисбатан кам бўлиб, уларнинг асосий қисми водийнинг шарқидаги тоғолди ҳудудларига тўғри келган. Фақатгина милоддан аввалги IV асрдан сўнг айrim кўчманчи чорвадорларнинг ўтроклашуви ва Сўғдан кўп миқдорда дехқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг кўчиб келиши натижасида янги ерларни ўзлаштириш ишлари жадаллашган [Батраков С., 1955. – С. 14-15].

Водийда Норин, Қорадарё, Қуршоб, Аравон, Қораункур, Сўх, Исфара, Шоҳимардон, Пошшота, Исфайрам, Новқат,

Оқбўра, Қорабўра, Косонсој каби дарё ва сойлар суғорма дехқончиликнинг асосий сув манбалари бўлиб хизмат қилган [Бернштам А., 1951. – С. 4]. XVIII аср охири – XIX асрнинг биринчи ярмида Янгиарик, Шаҳрихонсој, Улуғнаҳр, Чинобод, Мусулмонқул ариғи, Хўтон ариғи каби сунъий суғориш иншоотлари барпо этилди ва узоқ даврлар мобайнида бир-биридан мустақил шаклланиб келган дарёлар ва сойларнинг ҳавзаларида дехқончилик ҳудудлари ягона тизимга бирлаштирилган.

Фарғона водийсида қадимдан бошоқли ва дуккакли экинлар, сабзавотлар, полиз экинлари етиштирилган, боғдорчилик, узумчилик катта аҳамиятта эга бўлган. Кўқон хонлигига бўлган рус сайёхлари водийда пахта кўп етиштирилиши ҳақида маълумот қолдирган бўлсалар-да [Назаров Ф., 1856. – С. 20;], Россия мустамлакаси арафасида пахта етиштириладиган майдонлар нисбатан кам бўлган [Губаева С., 1991. – С. 13].

И.Кузикулов – НамдУ катта ўқитувчisi.

Россияда тўқимачилик саноатининг ривожланиши йил сайн хом ашёга бўлган талабнинг ортиб боришига сабаб бўлди. Шунинг учун Туркистон ўлкаси истило этилгач, Россия империяси маъмурларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий эътибори пахтачиликка қаратилди. Бутун Туркистонда бўлганидек, Фарғона водийсида ҳам пахта майдонларини кенгайтиришга зўр берилиди. Фарғонада пахта майдонлари 1885 йилда умумий экин майдонларининг 1/7 қисмини ташкил этган бўлса, XX аср бошларида ушбу кўрсаткич 32 % ини, 1915 йилга келиб умумий экин майдонларининг ярмини эгаллади [Бушуев М., 1911. –С. 5; Валиев А, 1958. –С. 27]. 1915–1916 йилларда ишлаб чиқариладиган пахтанинг 80 % и Фарғона водийсида етиширилган эди [Валиев А, 1958. –С. 28].

Пахта майдонларининг кенгайтирилиши билангина масалани ҳал қилиб бўлмаслигини яхши тушунган рус маъмурлари янги навларни синаб кўриш ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга алоҳида аҳамият қаратганлар. Туркистонда асосан Америка ва Миср пахта навлари синаб кўрилди. Дастребки синов ҳаракатлари XIX асрнинг 70-йилларида бошланган. 1875 йилда М. И. Бродовскийнинг “Техническая производство в Туркестанском крае” асарида Туркистонда сифатли пахта етишириш учун барча имкониятлар етарли эканлигини таъкидлаб, Sea-Island, New Orleans, Upland навларини маҳаллий шароитга мослаштириш учун тажриба ҳақида фикр юритган эди [Бродовский М., 1875. –С. 9]. Лекин, М. И. Бродовскийдан олдин, 1871 йилда тошкентлик хусусий тадбиркор Раевский томонидан 45 пуд Америка нави чигити хоҳловчиларга тарқатилган бўлса, Хўжанд шаҳрида яшовчи Фовицкая ва Қўқон хони Худоёрхон ҳам водийда тажриба учун шу чигитдан эктирган эди [Ершов Н., 1960. –С. 143]. Унумдорлиги ва сифатининг яхшилигига қарамасдан, ҳосил Нижний Новгороддаги ярмаркада маҳаллий пахта билан бир хил нарҳда сотилган. Шундай бўлса-да, янги навларнинг синови тўхтаб қолмади. Аксинча, оммавий тус ола бошлади.

В.И.Кушелевскийнинг маълумотига кўра, Андижонда Америка навини экиш тажрибасини уезд врачи Д.Н.Мездриков ўтказган. У Андижонда 1879 йилда унча

катта бўлмаган ҳудудга чигит экиб, яхши натижага эришган” [Кушелевский В., 1890. –С. 253]. Шу йилда водийнинг бошқа ҳудудларида ҳам Америка пахтаси синаб кўрилди. 1878 йилда Марғилон ҳарбий губернатори Абрамов томонидан берилган 28 фунт “Упланд” навли чигитни Чуст уездининг бошлиғи полковник Арванитаки Чустга олиб келган [Резник П., 1903. –С. 119]. 1879 йил февралда Чуст шаҳри яқинида тахминан 7 таноб ер чигит экиш учун тайёрланди. Маҳаллий дехқонларни қизиқтириш мақсадида чигит қадашдан тортиб ғўзага ишлов беришнинг барча жараёнлари маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар иштирокида олиб борилди. Шу билан бирга, янги навнинг афзаллик томонлари ҳақидаги маълумотлар бериб борилди. Март ойининг охирларида чигит экилиб, август ойининг ўрталарига келиб пахта етилди. 20 сентябрда 7 таноб ердан икки терим билан 127 пуд биринчи навли пахта териб олинди [Резник П., 1903. –С. 120].

1881 йилда Наманган уезди бошлиғи Аверьянов 1,5 таноб ерда Америка навини тажриба учун экиб кўрган. 1911 йилда Андижонда Гнесин бошчилигига Америкадан келтирилган “Колумбия”, “Георгий ифтихори”, “Кук”, “Триумф” навлари синови давом эттирилаётган даврда [Бушуев М., 1911. –С. 20] ҳар йилда тажриба учун янги навларни экиб кўрадиган Петренко исмли шахс “Тиндал” (Tindals) чигитини тажрибадан ўтказган [Бушуев М., 1911. –С. 28].

Тадбиркорлар ва маҳаллий дехқонлардан ташқари синов учун маҳсус тажриба-синов хўжаликларининг ташкил этилиши водийда пахтачиликнинг ривожланишида ўз таъсирини кўрсатди. XIX асрнинг 80-йилларида Тошкентда ҳамда Андижон, Наманган каби уезд марказларида шундай уруҷчилик плантациялари ташкил этилган эди [Массальский В., 1921. –С. 15-16; Гинзбург А., 1976. –С. 202]. Бу хўжаликларда Америка ва Миср пахта навлари тажрибадан ўтказилган. Тажриба натижалари шуни кўрсатди, айrim пахта навлари шароитга мос келмаган. Масалан, 1870 йилда Андижонда синаб кўрилган “Sea-Island” нави яхши натижага бермаган [Исоқов З., 2010. –Б. 49], “Кук”, “Георгий ифтихори” навлари маҳаллий шароит талабларига жавоб бермаган. Бу навлар жуда нимжон

ТАРИХ

бўлиб, кўсаклари ҳам жуда оз, яъни 6–7 донадан бўлган ҳолда, “Триумф” нави яхши натижа берган [Бушуев М., 1911. –С. 21].

Фарғонада Америка навларидан ташқари Мисрдан келтирилган навлар ҳам синовдан ўтказилган. “Mit-Afifi” нави шундай навлар қаторида бўлган [Бушуев М., 1911. –С. 9]. Толаси ипаксифат ушбу пахта нави Россия бозорларида харидоргир эди [Резник П., 1903. –С. 149]. Савдо-саноат жамияти томонидан Тўракўрон ва Аҳси-Шаҳанд волостларида тажриба учун 20 пуд “Mit-Afifi” чигити тарқатилди [Резник П., 1903. –С. 149]. Лекин, натижа кутилганидек бўлмади. Қулай табиий шароитда, агротехника қоидаларига тўла амал қилиниб, яхши ишлов берилганда ҳам 100 пудга яқин ҳосил олинган, холос [Резник П., 1903. –С. 149]. Пахтачиликка ихтисослашган тажриба-синов плантациялари ташкил этилишининг муҳим жиҳатларидан бири шунда эдики, америкаликлар пахта бозорида яккаҳокимликни сақлаб қолиш мақсадида Туркистонга жўнатилган чигитларни атайлаб касаллантиришган [Акрамов Ш., 1975. –С. 43–44].

Андижонда “Кинг” (King), “Аунсболь”, “Гольд Штандарт”, “Excelsior prolific” ва бошқа чигитлар экиб кўрилган [Бушуев М., 1911. –С. 10]. Юқорида кўрсатилган навлардан ташқари “New Orlean”, “Dunkan”, “Texas”, “Mammoth prolific”, “Peterkin”, “Dixon”, “Hawkins” каби навлар синовдан ўтказилган [Масальский В., 1892. –С. 30; Гейер И., 1908. –С. 88; Масальский В., 1921. –С. 11].

Америка навларининг дехқон хўжаликлари орасида тез оммалостишига тўсқинлик қилган сабаблар ҳам мавжуд эди. Лекин, янги навларнинг афзалликлари хусусида маълумотлар бериб борилган

[Резник П., 1903. –С. 120] ёки кўргазмаларда ҳам намойиш этиб борилган. Умуман олганда, 100 дан ортиқ янги навлар тажрибадан ўтказилиб, “Кўк чигит”, “Қора чигит”, “Малла чигит” каби янги навлар яратилган ва экишга тавсия қилинган [Масальский В., 1921. –С. 12.; Акрамов Ш., 1975. –С. 44].

Америка нави маҳаллийга нисбатан Андижон ва Наманган уездларида энг кўп экилган. Андижонда мавжуд пахта майдонларининг 84%ини, Наманганда эса 93 % ини янги ўзлаштирилган навлар ташкил этган [Акрамов Ш., 1975. –С. 24].

Америка нави дастлабки йилларда Фарғона уездларининг марказий худудларида экилган бўлса, кўп вақт ўтмай, водийнинг шимолида жойлашган Тергачи, Косонсой, Янгиқўрон, Пешқўрон, Нанай ерлари ҳам янги нав учун қулай, деб топилди. Ўш худудлари, тоғли Кетмон-тепа (ҳозирги Токтогул. – И.К.), Сарисув волости (ҳозирги Жалолобод вилояти Аксу туманида. – И.К.), ҳатто Пишпек (ҳозирги Бишкек – И.К.) худудларида ҳам Америка пахта навлари тажриба учун экиб кўрилган [Айтманбетов Д., 1967. –С. 24–25].

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб янги чигит навларини синовдан ўтказиш ва маҳаллий шароитга мослаштириш ўша давр учун ўзига хос инновация эди ва бу, мутахассислар билан бирга дехқонларнинг ҳам янгиликларга муносабатларини ўзгартириб юборди. Туркистонда пахта майдонларининг кенгайиши салбий оқибатларга олиб келди. Лекин, маҳаллий шароитга мослашган, серҳосил, касалликка чидамли пахта навларини яратиш ҳозирги кунда ҳам долзарб эканлиги ўз исботини топмоқда.

Адабиётлар:

- Батраков В. С. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Коканского ханства // ТСАГУ. Новая серия LXII. Гуманитарные науки, книга 8. – Т., 1955.
- Бернштам А. Н. Древняя Фергана (научно-популярный очерк). – Т., 1951.
- Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии... – С. 20; Записки о Коканском ханстве хорунжего Потанина (1830 г) // Вестник ИРГО, 1856. Часть XVIII. 2.
- Губаева С. С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX вв (этнокультурные процессы). – Т.: Фан, 1991.
- Бушуев М. По хлопковым районам Туркестана. – Ташкент, 1911. – С. 5; Валиев А. Х. Положение дехканства в Фергане в конце XIX – начале XX в. – Т., 1958.
- Валиев А. Х. Положение дехканства в Фергане в конце XIX – начале XX в. – Т., 1958.
- Бродовский М. И. Техническая производство в Туркестанском крае. – С-Петербург, 1875.
- Ершов Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района Таджикской ССР перед Октябрьской революцией (Историко-этнографический очерк). – Сталинабад, 1960.

9. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т. I. – Новый Маргелан, 1890.
10. Резник П. Хлопководство в Наманганском уезде / Ежегодник Ферганской области. Том II. Выпуск 1903 года. – Новый Маргелан, 1903.
11. Резник П. Хлопководство в Наманганском уезде / Ежегодник Ферганской области. Том II. Выпуск 1903 года. – Новый Маргелан, 1903.
12. Бушуев М. По хлопковым районам Туркестана. – Т., 1911.
13. Масальский В. И. Хлопок. – Петербург, 1921. – С. 15–16; Гинзбург А. И. Переселенцы и местное население Туркестана в конце XIX – начале XX века // Вопросы истории. – 1976. – №2.
14. Исоков З. Фарғона водийси анъанавий дәхқончилик маданияти (Хўжалик-маданий анъаналар: тавсифи ва таҳлили). – Т.: Yangi nashr, 2010.
15. Бушуев М. По хлопковым районам Туркестана. – Т., 1911.
16. Бушуев М. По хлопковым районам Туркестана. – Т., 1911.
17. Резник П. Хлопководство в Наманганском уезде / Ежегодник Ферганской области. Том II. Выпуск 1903 года. – Новый Маргелан, 1903.
18. Акрамов Ш. Из истории хлопководства в дореволюционном Туркестане конца XIX – начала XX века // Общественные науки в Узбекистане. – 1971. – №5.
19. Бушуев М. По хлопковым районам Туркестана. – Т., 1911.
20. Массальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии. – С-Петербург, 1892. – С. 30; Гейер И. И. Весь Русский Туркестан. – Ташкент, 1908. – С. 88; Масальский В. И. Хлопок. – Петербург, 1921.
21. Резник П. Хлопководство в Наманганском уезде / Ежегодник Ферганской области. Том II. Выпуск 1903 года. – Новый Маргелан, 1903.
22. Масальский В.И. Хлопок. – Петербург, 1921.; Акрамов Ш. Из истории хлопководства в дореволюционном Туркестане...
23. Акрамов Ш. Из истории хлопководства в дореволюционном Туркестане...
24. Айтманбетов Д. Культура киргизского народа во второй половине XIX – начале XX века. – Фрунзе: Илим, 1967.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)